




Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
буюк
давлат




«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 2-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палатаси) ҳудудий вакиллик палатасидир.

Сенат аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади.

Мустақиллик иншоотлари

СЕНАТ БИНОСИ




Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамоат фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда

Шу кеча-кундузда пойтахтимиздаги бош майдон — Мустақиллик майдонида Олий Мажлисининг юқори палатаси — Сенатнинг янги биноси қурилиши низоҳасига етмоқда. Албатта, ўзига хос бу ноёб иншоотнинг мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг бевоқиф раҳбарлиги ва иштирокида ишлаб чиқилган лойиҳа асосида бунёд этилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Унда Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Ҳисоб палатаси каби бошқа муассасалар ҳам жойлашади.

— Бундай маҳабатли ва кўркам бино қурилишида меъморчиликнинг энг сўнгги ютуқлари татбиқ этилмоқда, — дейди 12-қурилиш трестининг бош



геодезисти Исҳоқ Харисов. — Мисол учун, авваллари ташқи пардозлашда мрамар қошлар бетон қоримаси билан деворга мустаҳкамланар эди. Кейинчалик ўлғир ёғиши натижасида уларда турли чизиклар ҳосил бўлиб, шўрлаб кетарди. Энди эса оқ мрамар қошлар зағламидан 3-4 сантиметрлик каркасларга ўрнатилмоқда. Бу меъморчиликда «қуруқ усул» деб аталади ва узок вақт бинонинг ташқи қўрғинини қўрқамлигини сақлайди.

Муҳими, Шарқ ва Ғарб меъморчилиги аъёнларини ўзига муржабсанган бу ноёб қоша то мазоюда халқимиз тафаккурининг намунаси бўлиб қолади.

Сенат биносининг биринчи қаватиди улкан фойеининг бир тарафиди ганҷкор-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

«Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурини шакллантириш борасидаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

Жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантириш, аҳоли сихат-саломатлигини мустаҳкамлаш, оммавий физкультура ва спорт билан шуғулланишни кенг ёйишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан бой ёш авлодни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2005 йил — «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси ташкил этилади.
2. Республика комиссияси: вазирликлар ва идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиқлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари, хайрия жамағатлари билан биргаликда бир ой муддатда «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

Давлат дастурининг тегишли йўналишлари бўйича ишчи гуруҳлари тўзиб, уни тайёрлашга республиканинг етакчи мутахассис ва олимлари, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этсин.

3. Республика комиссияси «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурининг мақсади, асосий вазифалари ҳамда уни амалга оширишнинг энг муҳим йўналишларини аниқ белгиласин.
4. «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурини шакллантиришда куйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин: одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлигини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзи, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, саломатлик учун зарарли ва хатарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлиш, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш. Ҳаётга, ўз сихат-саломатлигига худди мана шундай муносабат умумий эътироф этилган норма бўлиб қолиши ва болалиқдан, шахсининг камол топиш даврида-ноқ сингдирилиши лозим.

аҳоли, айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг гигиена соҳасидаги маълумоти ва маданиятини ошириш, санитария ва шахсий гигиена қоидаларининг аҳамияти ҳамда уларга риоя этиш зарурлигини ёш авлод чуқур англаб етишида ота-она ва педагогларнинг ролини кучайтириш;

ғиёҳвандликка, чекишга, юкумли касалликлар, шу жумладан, сил касаллиги ва ВИЧ/СПИД тарқалишига қарши курашда жамоатчилик ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш;

пенсияер ва ногиронларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий, санаторий-курорт ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, кексаларнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечирishiлари учун зарур шарт-шароит яратиш бўйича чора-тадбирларни янада кучайтириш;

аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, аввало, қишлоқ жойларда тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, замонавий ташхис ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланишни таъминлаш;

Тошкент техника университети, Тошкент ахборот технологиялари университети ва республиканинг бошқа олий ўқув юрталарида замонавий ташхис ва даволаш тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлашга, ичимлик сув ресурсларида тежамли ва оқилона фойдаланишда ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамда аҳолининг масъулиятини кучайтиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиш;

аҳоли кенг қатламлари орасида физкультура ва спорт билан шуғулланишни авж олдириш, айниқса, болаларни спортга жалб этиш, республика ҳамда минтақавий мусобақалар ва оммавий спорт тадбирлари ўтказишни ташкил қилиш бўлиши, телевидение орқали махсус соғломлаштириш дастурларини кенг намойиш этиш, шунингдек, жойларда болалар спорт комплекслари, жисмоний соғломлаштириш машқлари билан оммавий равишда шуғулланиш учун турли

26 декабрь Халқ. Демократия. Сайловлар

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков 15 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Сўхбат чоғида ўзаро стратегик ҳамкор давлатлар ҳисобланган Ўзбекистон ва Россиянинг Марказий сайлов комиссиялари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамлаб бораётганидан мамнунлиқ изҳор этилди. Бу ўзаро тажриба алмашиш имкони-

ятларини оширади, самарали мулоқотлар изчиллигига янада кенг йўл очади.

А.Вешняков Ўзбекистоннинг икки палатали парламент тизимига ўтиши мамлакатимиздаги демократлаштириш жараёнида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Бу улкан сиёсий воқеа Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистоннинг халқроқ майдонда ва жаҳон ҳамжамияти назарида тобора ортиб бораётган обрў-эътиборини, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг хал-

ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга ўтажак сайловларга санокли кунлар қолди. Сурхондарё вилоятида ҳам бу муҳим сиёсий тадбирга жиддий ҳозирлик қўриляпти.

Шеробод ва Денос туманларида Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи округ ҳамда участка сайлов комиссиялари раислари семинар-кенгашлари ўтказилди. Уларда сайловларга тайёргарлик ишлари, сайлов округлари ва участка сайлов комиссиялари жойлашган билонларни жиҳозлаш, алоқа воситалари, зарур адабиёт, даврий нашрлар билан таъминлаш, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этиш борасидаги ишларнинг аҳоли таҳлил этилди.

ДИККАТ республика ижодий танлови!

«ВАТАН ҒУРУРИ»

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов 7 декабрда Оқсарой қароғоҳида Ватанинг юксак мукофотларини, шу жумладан, Амир Темур ординини шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновга топширар экан, унинг оддий бир ўзбек оиласидан эканлигини, Тошкентнинг эки даҳлавларидан бирида туғилганини, бир қараида кўнчилиқдан ҳеч қандай ажралиб турмайдиган, содда ва калтар йўналишини, айни пайтда худди шу йўлдан бутун дунёни ҳайратга солаётганини, халқимиз ва миллатимиз номини, Ўзбекистон шўхратини юксак даражага кўтарганлигини фахр-ифтихор билан таъкидлашар.

Халқимиз орасида Рустам Қосимжоновдай Истиқлол уйроғдан, қалбида Ватан шайбинини билан тутган, элим-юртим дедиган, фидойи, олижаноб ният-мақсади одамлар оз эмас. Уларни ҳаётнинг барча соҳаларида учратишимиз мумкин. Бундай фуқароларнинг эл-юртга, она заманига битмас-тузанмас меҳри, миллий ғурури ва орияти — Ўзбекистоннинг бебаҳо қўдрати манбаидир. Шундай захматқаш кичиклар бор экан, Ватанимиз шайин юксалаверади, ҳаётимиз обод, турмушимиз фаровонла-

шиб бораверади.

Истагимиз шуки, бундай ажойиб инсонларни, уларнинг қалбиди Ватан ғурурини, бу ғурур қандай мўъжизаларга қодир эканлигини ҳамма билсин, шундай юксак ғурури юртовчиларимизга бошқалар ҳам издоби бўлиб, ўз ишидан ғурурлансин!

Шуни эътиборга олиб, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахриратини «Ватан ғурури» республика ижодий танловини эълон қилмоқда.

Танлов 2005 йилнинг август ойида, Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги байрами арафасида якунланади.

Ижодий танлов майдони кенг ва ҳаммага очик. Фақат талаб битта: бевосита ҳаётга мурожаат қилайлик, чин маънода она юрт, она халқидан ғурурланиш туйғуси ўз қалбини кўчишига айланган юртдошларимиз ҳақида элага сўзлайлик.

Энг қизиқарли, ҳажжонли, ўқиниш очерклар, лаҳзалар, ҳикоялар, эсселар етаетида эълон қилиниб, йил охирида алоҳида китоб шаклида чоп этилади.



МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗГА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Профессор Мерсе Комес хонини Ўзбек халқига бўлган чекиш хурмати ва буюк аждодлар хотирасини улуғлаш, уларнинг меросини ўрганиш борасида кебиёс ғамқўрлик кўрсатаётган Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга чуқур эҳтиром раъзи сифатида мазкур китобни Юртбошимизга тақдим этди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари испанчилик олимга миннатдорлик мактуби йўналди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбек халқининг улғу шоири, буюк саркарда ва давлат арбоби Захриддин Мухаммад Бобур яратган, ўзбек миллий маданиятининг нодир дурдоналаридан бўлиши «Бобурнома» асарини испан тилига таржима қилиб,

Танлов мукофотлари:
Битта биринчи мукофот — 500 000 сўм.
Иккита иккинчи мукофот — ҳар бири 150 000 сўмдан.
Учта учинчи мукофот — ҳар бири 100 000 сўмдан.
Рағбатлантирувчи совғалар — 10 та.

«Ватан ғурури» республика ижодий танловига марҳамат!
Омад сизга ёр бўлсин!

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахриратини.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2004 йил 15 декабрь.

26 декабрь

Халқ. Демократия. Сайловлар

СЕНАТ БИНОСИ

Александр ВЕШНЯКОВ:

САЙЛОВ — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда икки юзга яқин хоржий кузатувчи иштирок этиши кутилмоқда. МДХ кузатувчилар миссияси таркибига Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси вакиллари гуруҳи ҳам кирди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таълифига биноан, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков раҳбарлигидаги делегация Тошкентга келди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Буритов Мустафоев билан учрашув бўлиб ўтди. Россия Марказий сайлов комиссияси вакиллари мамлакатимизнинг кейинги даврда янгиланган қонунчилик асосланган сайлов тизими, сайлов кампаниясининг бориши билан таништирилди. Сайловда қатнашиш учун сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан 517 нафар депутатликка номзод рўйхатга олинган. Сайлов очкички ва ошкоралик тамойиллари негизда ташкил этилмоқда. Мамлакатимиз миқёсидаги ушбу муҳим воқеани ёритиш учун юртимиз ва хоржий оммавий ахборот воситаларидан қарийб 500 нафар вакил аккредитация қилинган.

Александр Вешняковнинг фикрича, мамлакатларимиздаги демократлаштириш жараёнлари кўплаб ўхшаш жиҳатларга эга. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг босқичма-босқич йўлини танлади ва бу йўл ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Ўзбекистоннинг икки палатали парламентни шакллантириш борасидаги азму қарори — демократияни ривожлантириш йўлидаги муҳим ва оқилона қадамдир.

Мулоқот чоғида таъкидландики, бундай учрашувлар тажриба алмашиш, сайлов кампанияларини ташкил этиш ва сайловларни ўтказиш услубларини ўзаро ўрганишга хизмат қилади, жамиятнинг сайлов органлари зиммасига юклаган вази-

фаларини янада самарали ҳал этиш имконини беради.

— Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги билан танишиб чиқдим, — деди А.Вешняков журналистлар билан суҳбатда. — Асосий хулосам — тегишли қонунлардаги барча янги жиҳатлар Ўзбекистонда демократик жараёнларни ривожлантиришга қаратилган. Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари кенгайган. Бу — Президент ва қонун чиқарувчиларнинг мазкур органга ишонидан далолатдир ва уни оқлаш лозим. Сайлов жараёни билан боғлиқ ишларга катта маъсуляти билан, пухта ёндашилаётгани кўриниб турибди.

Ташрифимиз давомида Олий Мажлиси, Марказий сайлов комиссияси ва бошқа ташкилотларда

қатор учрашувлар бўлиб ўтди. Мулоқотлар асосида ҳам сиёсий партиялар, ҳам сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари иштирок этаётган бўлғуси сайловлар ҳақиқий демократик асосда ташкил этилаётганига амин бўлдим. Сайлов иштирокчилари ўз дастурларини сайловчиларга етказиши учун тенг шарт-шароит яратилган.

Демократик сайловларнинг хусусиятларидан бири — рақобатдир. Чунки, ҳар қайси бир мандатли округда депутатликка ўртача олганда тўрт номзод кўрсатилади. Буларнинг ҳаммаси сайловчиларга муносиб номзодни оғли таллаш ҳуқуқи берилганидан далолатдир. Уйлайманки, ана шундай демократик тамойиллар асосида сайланган янги парламент Ўзбекистоннинг тараккиятга ва, албатта, биринчи навбатда, мамлакат фуқаролари манфаатларига хизмат қилади.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.



ТАШВИКОТ ПЛАКАТЛАРИ ЧОП ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ташвиқот плакатларини нашр этди.

Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда тайёрланган мазкур плакатларда сиёсий партиялар ҳамда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатиладиган номзодларнинг таржимаи холи, мақсад ва интилишлари, сайловолди дастури акс этган. Бу сайловчиларнинг ўзи овоз беридаган номзод ҳақида атофли-ча маълумот олишини таъминлайди.


Плакатлар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида, бир хил ҳажмда, ҳар бир номзод учун беш юз донадан тайёрланди. Айни пайтда улар тегишли сайлов округларига етказиб берилди. Ушбу ташвиқот материаллари сайлов участкалари, жамоат транспорти, маҳалла гузарлари ва мактаб биноларида иилиб қўйиш учун мўлжалланган.

(ЎЗА).

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси хоржий кузатувчилар учун қўлланма — "Памятка для иностранных наблюдателей" — "Memo for foreign observers" китобини рус ва инглиз тилларида кўп миң нусхада чоп эттирди.

Унда Марказий сайлов комиссиясининг сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш тўғрисидаги қарори, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг календар режаси, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш бўйича тузилган 120 округ сайлов комиссиясини рўйхати ва адреси, почта индекси, раисларнинг исми



фамилияси ҳамда телефон рақамлари берилган.

Бундан ташқари, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида" (янги тахрири), "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғриси-

да"ги қонунлардан кўчирмалар, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонун, шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг йўриқнома ва низомилари матни келтирилган.

Тўпلامдан мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, жумладан, ахборот агентликлари, марказий ҳамда маҳаллий телеканаллар, радиостудия ва даврий нашрлар манзиллари, шунингдек, кузатувчиларнинг мазмуни да омиши учун кинотеатр ва театрлар тўғрисида ва бошқа зарур маълумотлар ҳам жой олган.

Лазиз РАҲМАТОВ,
ЎЗА мухбири.

Йўл устига қурилган уй

Бир неча йилдирки, пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги Шукур Бурхонов маҳалласи, "Интизор-3" берк кўчасида яшовчиларнинг тинчи бўзилган. Сабабини аниқроқ билиш учун ушбу маҳалла кенгаши фаоли У. Абдурахимовнинг тахририятимизга йўллаган қўйидаги хатига мурожаат қилиш ўринли, деб ўйлаймиз:

"Болаларимиз ва набираларимизни автомашина ҳалокатидан сақлаш мақсадида берк кўчани аввалги ҳолатига қайтаришга ёрдам берсангиз. Бунинг сабаби — "Интизор-3", "Интизор-7" берк кўчалари ҳамда "Интизор" кўчаси, 38-уйда яшовчилар кўчанинг бир қисmini ўзбошимчалик билан ҳовлиларига қўшиб олишган. Кўчанимиз ўзи тор, унинг эни 9 метр бўлиши керак, ҳозир 4 метрдан зиёроқ, холос. У ердан аҳоли юрадини ёки автомобиллар? Биз шу масала бўйича уй эгаларига бир неча марта мурожаат қилдик. Аммо улар ерни шундай ҳолатда сотиб олишганини вақт келиб, бизнинг фикримиз билан ҳисоблашмади. Нойлоқ Мирзо Улугбек туманлараро судига арз қилдик. Улар 10 ой ишни кўриб, даъвомизни қаноатлантирмади. Шаҳар суди ҳам апелляциямизни оқибатсиз қолдирди.

Далиллар биз ҳақ эканлигимизни исботлаб турса-да, ҳуқуқларимиз бўш қолди. Биз фақат адолат тикланишини хоҳлаймиз, холос..."

Масалани ўрганиш учун маҳаллага борганимизда, берк кўча, ҳақиқатан ҳам, анча торлигини кўрдик. Бу ерда яшовчилар билан суҳбатда кўчадан битта машина юрса, бошқаси кўтиб туриши, катта юк машиналари кириши муаммолиги, умуман, тор кўчада юриш ноқулайлиги маълум бўлди.

Атрофга назар ташлаймиз. Ҳақиқатан ҳам, кўча берк бўлгани учун унга фақат битта йўлдан кириш ва чиқиш мумкин.


Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси режасида мазкур кўчанинг эни 9 метр бўлиши белгиланган. Амалда эса 5 метрча, холос.

Ўзибўларчилик, маҳалла аҳлининг фикрини инобатга олмастик бизни ташвишга солмоқда. — дейди маҳалла раиси М. Пирматов. — Шу масала бўйича махсус

йўлигиш ўтказиб, кўчани белгиланган тартиб даражасига келтириш, уларнинг эгаларини бундан воқиф қилиш ҳақида қарор ҳам қабул қилдик. Аммо барча уринишларимиз зое кетаяпти. Кўча торлигича қолиб, аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Ҳўш, бунга шу кўчада яшовчилар нима деркинлар?

С.Назаровага қарашли 38-уй берк кўчага бурилиш жойида қурилган. У ерда ҳеч ким кўринмади. Дар-



возаю эшиклар берк. М. Буторинага қарашли 7-уйни ҳам ҳеч ким очмади. 5-уйда эса одам гавжум. Суриштирсак, қурувчилар экан. Улар бу замонавий қилиб қурилайётган уйнинг эгаси Дилшод исмли киши дейишди. Уринбой ака уй расман О. Азамовага ҳужжатлаштирилганини маълум қилди. Қурувчилардан бири Дилшод ака билан телефон орқали уланган, уй қандай бўлса, шундайлигича сотиб олинган экан, деди. Дилшод ака биз билан суҳбатлашишни эп кўрмади.

Ҳужжатларни кўздан кечирамиз: Берк кўча ахли 1998 йилда туман уй-жой ишлаб чиқариш назорат бўлими(УЖИЧНБ)га мурожаат қилган экан.

— Бўлим 7 ой мобайнида турли баҳоналар билан ишимизни ҳал қилмади, — дейди У. Абдурахимов. — Бошлик Г. Мансуровага арз қилганимиздан кейин иш судга оширилмади бўлди. Ваъда беришди-ю, аммо улар ҳам ишимизни ярим йил чўзиб юришди. Биз 2002 йил 30 сентябрда туман судига даъво ари-

заси киритишга мажбур бўлдик. Шундан сўнг судья юқоридаги уй эгаларига ҳокимликдан берк кўчани қўчиш олиш учун рўхсатнома олиб келишни талаб қилди. Лекин бундай қарор йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Туман УЖИЧНБ бош муئاхассиси М. Мирзаев томонидан тузилган жавоб ҳам мутлако нотўғри. Хуллас, судда ҳам ишимиз 10 ойга чўзилди. 2003 йил 31 июль кунини Мирзо Улугбек туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди судьяси О. Атаханов тўман бош меъморни О. Юлдашевнинг берк кўчанимизнинг эни 9 метр бўлиши кераклиги тўғрисидаги қўрсатмаси ва шу бўйича ҳужжатларни инобатга олмай адолатсиз қарор чиқарди.

Ҳужжатларга эътибор қаратамиз.

2003 йил 31 июль кунини Мирзо Улугбек туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суд қарориди "Интизор-3" берк кўчаси, 5-, 7-, "Интизор" кўчаси, 38-уйларга эгаллик ҳуқуқини берувчи барча ҳужжатларни ҳақиқий эмас, деб топил ва ўзбошимчалик билан қурилган деворларни бузиш ҳақидаги даъво талаблари рад қилинган", дейилган. Утган йилнинг 21 ноябрида Тошкент шаҳар суди судлов ҳайъатининг очик суд мажлиси мазкур масала бўйича апелляция шикоятини кўриб чиққан. "Биринчи босқич судида сўроқ қилинган Тошкент шаҳар ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси вакили О. Йўлдошев, "Интизор" кўчаси бўйича чизма режаси 1978 йилда тузилганлиги, бунга кўра, "Интизор" кўчаси, 38-уй ва "Интизор-3" берк кўчаси, 5- ва 7-уйлар берк кўчанимизнинг асосида жойлаштирилганлигини, ушбу режага кўра, кўчанинг кенлиги 9 метрни ташкил қилишини, бу режа аэросъёмка асосида тузилганлигини баён этган"лиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, биринчи босқич суди мажлисида Тошкент шаҳар ҳокимияти вакили М. Холматов шаҳар ижроия қўмитасининг 1988 йил 5 майдаги қарори мавжудлиги, бунда "ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойлар қонунийлаштирилганини,

шунга кўра, ушбу маҳаллада жойлашган уй-жойлар чизмаларида белгиланган чегараларидан чиқиб кетмаганлигини ва қонун асосида эгаларига тегишли эканлигини билдириб қўрсатма бериб ўтган" лигини ҳам шаҳар суди мажлиси баён-номасидан билиб олдик. Шундан кейин шаҳар судлов ҳайъати туманлараро суднинг даъвогар Шукур Бурхонов маҳалла қўмитасининг даъво талабларини атофлича ўрганиб чиқиб, тегишли ҳуқуқий баҳо беради, яъни апелляция шикоятини қаноатлантирмаддан қолдириш тўғрисида ақрим қарарди.

Ушбу ҳужжатни кўздан кечирар эканмиз, шаҳар судлов ҳайъатининг ақрим чиқаришда М. Холматов қўрсатмасига нега етарлича ҳуқуқий баҳо бермагани бизни ажаблантирди. Ваҳоланки, қўрсатмада уйлар ўзбошимчалик билан қурилиб, кейин расмийлаштирилгани айтилган. Бу кадастрга тўғри келмас, уни қим ва нега қонунийлаштирилган? Бу ҳолат нима учун тўлиқ ўрганилмаган?

Хуллас, бу муаммо, мана бир неча йилдирки, ҳал этилмаётти. Маҳалла ахли эса кўчанинг торлиги туфайли ноқулай шароитда кун кечиршига мажбур бўлмоқда. Улар ҳар кун шу кўчадан юришадилар, унинг нима учун торлиги сабабини ҳам билишмади. Адолат тикланиши учун елиб-югуришадилар. Лекин уларнинг ҳамма уринишлари бесама. Туман ва шаҳар судлари эса нимагадир келтирилган гувоҳлик ва вақаларни эътиборсиз қолдириб, аҳоли мурожаатини рад этмоқда. Халқимизнинг азалий бир қадрияти бор: "Ҳеч ким кўп ўтадиган йўлга тўсиқ бўлмаслиги керак".

Адолатнинг каттаю кичиги, кераклики кераксиз бўлмайди. Қаерда адолат мезонлари бузилса, ўша ерда норозилик пайдо бўлади. Инсонлар қалбида меҳр-оқибат сўна бошлайди.

Бугун "Интизор-3" берк кўчасида истикомат қилувчиларнинг кайфияти, афсуски, ана шундай. Умуман ечилмади? Адолатни қим тиклайди? Шукур Бурхонов маҳалласи ахли ана шу саволга жавоб кутмоқда.

Салим ДОНИЁРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).



Мухташам залга кўрк бағишлаб турган бетакорр улкан қандиллар ҳам ўзимизнинг "Оникс" акциядорлик жамиятида тайёрланганига кишининг ишонғиси келмайди. Лекин бу ҳақиқат, қандиллар эса чинакам мўъжизанинг ўзидир.

Бинонинг биринчи қава-тида, шунингдек, 170 кишига мўлжалланган мажлис-рлар зали жойлашади. Иқтидорли расомлар чиз-ган мовий ва муссаффо ос-мон, унда сузиб юрган оп-поқ булутлар юртимиздаги тинчлик-осойишталикни ифода-лаб тургандай.

Бинонинг иккинчи, учин-чи қава-тига қўтарилсан-гиз, бўлғуси сенаторлар, масъул ходимлар ишлайди-ган хоналарга кўзингиз ту-шади. Э-хе! Бундай шароит-га ҳар қандай давлатнинг сенатори, конгрессмени ҳавас қилса керак. Беҳти-ёр шу онда Юртбошимиз-нинг қанотли сўзлари ёди-мизга тушди: "Биз ҳеч ким-дан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам".

Сенат биносидаги ганч-корлик ишлари "Усто" бир-лашмаси ижодкорлари то-монидан амалга оширил-моқда. Бино пештоқидаги я-ляй товланиб турган ўн гум-баз, унинг зал ва хоналари, йўлак ҳамда деворларига ишлан-ган нақшларда акс этган мил-лий ҳар қандай одамни бе-фарқ қолдирмайди.

Энди икки оғиз Сенат би-носи ён атофнинг қўка-ламзорлаштирилиши хусу-

сида. Аввало, унинг олд қис-ми тубдан таъмирланмоқда. Фаввора ва ҳовузлар бар-по этилиб, йўлақларга беақли тошлар ётқизилган. Эрта кўзда келтириб ўтқазилган пальма дараклари аллақач-он буй чўзиб қолган. Унинг орқа тарафи — "Анхор" со-ҳилида мўъжазгина боғ, ўртада шарқона шийпонлар бунёд этилаётти.

Қурилиш ишлари шу йилнинг охиригача тугалла-ниб, у халқимизга Янги йил совғаси бўлади.

Салом ДОНИЁРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
СУРАТЛАРДА:
Сенат биноси қурилишидан лашхалор.
Мухаммад АМИН (ЎЗА) ва Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Сертификат — сифат кафолати

Бир-икки йил аввал тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган киши олдида талай муаммолар мавжуд эди. Хусусан, давлат рўйхатидан ўтишда қозғоғозлик, хомашё, газ, электр таъминоти, суддан фойдаланиш учун лимит олишда сарсонгарчилик ҳукм сурарди. Ундан кейингиси эса, бу — тадбиркор ўз махсулоти учун сертификатлаштириш идораларидан тегишли сертификатни олиш жараёнидаги мураккаблик эди.

Таъкидлаш жоизки, бу ҳолатларни бартараф этиш бўйича Президент Фармони ва ҳукумат қарорлари қабул қилингандан кейин соҳада кескин ўзгариш со-дир бўлди. Жумладан, дав-лат рўйхатидан ўтиш ҳамда таъминот тизими соддалаш-тирилди. Вазирлар Маъ-камасининг 2004 йил 6 июлдаги "Махсулотларни сертификатлаштириш тар-тиботини соддалаштириш-га доир қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида"ги 318-сонли қарори эса сертифи-катлаштиришдаги ортикаҳ ҳаракат ва харажатларга ўрин қолдирмади. Бирги-на қарорнинг 2-иловасига кўра, мажбурий тартибда сертификатланадиган мах-сулотлар рўйхати 30,1 фо-изга қисқартирилди.

"Ўзстандарт" агентлиги Сино ва сертификатлашти-риш республика маркази директори ўринбосари Зиёвуддин Обидовнинг таъкидлашича, қарор та-лабларидан келиб чиқиб, тадбиркорлар эндиликда махсулотларини декларация қилиш йўли билан му-вофиқлиги сертификатини тасдиқлаш имконига эга бўлишлар. Шу билан бир-га, "Ўзстандарт" агентлиги, республика Кўшроқ ва су-ҳазалиги, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда Таби-يات қўмитасининг келиш-вида мувофиқ, четдан кел-тириладиган махсулотларни аккредитланган лаборато-рияларда синновдан ўт-казиш учун намуна олишнинг чекланган меъёрларини ҳамда аккредитация қилин-ган идоралар, лаборатория-лар ўртасида синновларнинг такрорлигини ҳамда йўл қўймаслик мақсадида улар турларининг қатъий тарти-би ҳам белгиланди. Қўрсатиладиган барча ҳиз-матлар учун тўланадиган тўлов миқдори эса Молия вазирлигида декларация қилинадиган бўлди.

Амалдаги тартибга бино-ан, мувофиқлик сертификати расмийлаштириш ва беришнинг умумий мудда-ти ишларнинг мураккаблик даражаси, қўп меҳнат талаб қилишига қараб, барча за-рур ҳужжатлар тақдим этил-гандан кейин 10 иш ку-нидан 1 ойгача муддатда белгиланган.

Сертификатлаштириш

Айни чоғда сертификат-лаштириш тизимида ихчам-лаштирилган тартиб-қоида-да бир марта махсулотнинг сертификатини мажбурий бўлган махсулот турларининг рўйхати, бир турдаги махсулотни сертификатлаш қоида-си, қўрсатилган ҳиз-матлар учун тўлов тариф-лари рўйхати.

Ўз навбатида тадбиркор мувофиқлик сертификати олиш пайтида аризасига қўшимча равишда қуйидаги-ларни, яъни ишлаб чиқара-ётган махсулотининг меъё-ри ҳужжат нусхаси; махсу-лотни маркировка қилиш на-мунаси (махсулот тўғрисида ахборот); гигиеник сертифи-кат нусхасини ҳам тақдим этиши лозим.

Четдан олиб келинаётган махсулотни сертификатлашти-риш чоғида буларга қўшимча мамлакатимиз бо-жона ҳудудига кириб келган-лиги тўғрисида белги қўйил-ган товарнинг илова ҳужжа-ти (товар-транспорт юк хати, инвойс)нинг нусхаси талаб этилади.

Айни пайтда кўплаб иш-лаб чиқариладиган махсулот учун мувофиқлик сертификати берган идора ҳар йили камиди бир марта махсулот-нинг сертификатлаштириш-да белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганиш мақсадида инспекция текши-рувини ўтказиб боради. Унинг натижаларига кўра, берилган сертификат тасдиқ-ланиши, тўғри таъриф турилиши ёки бекор қилиниши мум-кин.

Давлатлараро келувшуда кўра, тадбиркорлар "Ўзстан-дарт" агентлиги томонидан берилган тегишли махсулот сертификати билан мамлака-тимиздан ташқариди ҳам сав-до-сотик қилиши мумкин. Мабо-до бу борда бирон-бир муаммо туғилса, «Ўзстандарт» агентлигига му-урожаат қилиш ва масалага ойдинлик киритиш зарур.

С. ОЛИМОВ.

"Террорчилик ва наркотиклар — тараққийёт кушангаси"

Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат марказида "Террорчилик ва наркотиклар — тараққийёт кушангаси" мавзуда фотокўргазма очилди. У Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва "Тошкент фото уйи" томони-дан ташкил этилди.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, ўтган асрнинг 90-йиллари бошидан бўён дунёда 2500 террорчилик ҳаракати қайд этилган. Террорчиларнинг қабиҳлик-лари оқибатида етти миңга яқин одам ҳалок бўлган, қарийб 25 миң киши яралан-ган. Халқаро террорчилик — бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлиш ва соғли-қидан айиринишга аналтмайди. Террорчилик ташкилотларининг асосий махсу-лоти — қўруқ мухити. Айни пайтда гитхванд моддалар ҳозирда халқаро террор-чилик занжирининг ақралмас қисмига айлангани ҳеч кимга сир эмас.

Нафақат Россия шаҳарларида, балки дунёнинг турли мамлакатларида руй бер-ган даҳшатли воқеаларни акс эттирган фотосуратларни кўриб, бунга яна бир бор амин бўлиш мумкин. Бу Россиянинг ахборот агентлиги — РИА-Новости мухбирлари суратга олган саксонга яқин фоторепортажлардир.

Фотокўргазманинг очилиш маросимида Россия Федерациясининг Ўзбекистонда-ги Факултда ва Мухтор элчиси Фарит Мухаметшин иштирок этди.

Узилмас ришталар

Ўзбек ва туркман халқлари азал-азалдан бир-бири билан ахил-иноқ бўлиб яшаб келишмоқда. Икки қардош халқ ўртасида дўстлик ва биродарлик ришталари кенг қулоч ёзган.

тиқомат қилаётган туркман миллати вакиллари иштирок этди. Элчи жаноблари мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларга тўхталар экан, жорий йил 19 ноябрь кuni Ўзбекистон ва Туркманистон Республикаси Президентларининг Бухородаги олий даражадаги учрашуви икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга олиб чиққанини таъкидлади.

Тадбирда университет бадиий хаваскорлари томонидан тайёрланган сахна кўришилари ва куй-қўшиқлар ижро этилди.

Юнус БУРҲОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Мулла Қирғиз» нега маҳзун?

Намангандаги осори-атиқалар орасида вилоят марказининг «Чорсу» даҳасидаги «Мулла Қирғиз» мадрасаси ўзига хос меъморий ечими билан ажрالیб туради. Салкам бир асрлик тарихга эга бу иншоотни ўз даврининг машҳур бинокори Уста Мулла Қирғиз шахсий маблағи ҳисобига бунёд этган.



Беш бурчакли қилиб қурилган мажмуанинг сиркорлик усулида деб берилган нақшинкор деворлари устанинг ноёб истеъдодидан дарак беради.

ди. 43 та катта-кичик хонанинг асосий қисмига қадам босиб бўлмайди, тупроқ, бошқа чиқиндилар билан тўла. Сал эпакдагиларини бозорчилар омонбрга айлан-тириб, эшигига кулф осилган. Обидага кириш дарвозаси ёнидаги деворга «Бу ерда 2002 йил май ойида Маданият ишлари вазирлиги маданият ёдгорликлари бош бoshқармасига қарашли «Чуст» махсус таъмирлаш бошқармаси томонидан таъ-


лашган. «Олтин мерос»нинг вилоят бўлими мутасаддилари мадрасанинг ноҳор аҳолидан хижолат тортиш ўрнига обидани қайта таъмирлаш мақсадида 2001 йили тайёрланган лойиҳани қўлингизга тутқизишди. Бироқ амалда рўёбини топмаётган бу ҳужжатдан не наф?

Наманганликлар, мана, беш йилдики, Уста Мулла Қирғиз хотирасини эъзозлаб, энг моҳир бинокорларнинг унинг номидаги йиллик мукофот билан тақдирлаб келишмоқда. Лекин бу машҳур зотнинг руҳи шунинг ўзи билангина шод бўлармики? Ахир, бу ёқда дондор уста қолдирган мерос эътиборга зор турибди.

Қудратилла НАҲМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: Мадрасанинг остонасигача бўлган бутун майдонни тижоратчилар эгаллаб олишган; бир пайтлар санъат асарии сифатида кўзни қамаштирган деворлар аста-секин нураб боряпти.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.



кетган ҳовли ҳолига тушди. Бугун эса унинг аҳоли янада фариб. Бундан ўттиз йил аввал таъмирланган мажмуанинг оҳори тўқилиб, у ташландик жойга айланиб қол-

мирлаш ишлари олиб боришмоқда» деган лавҳача осиб қўйилган. Бироқ бу ёзувга ишонган киши адашди. Усталар бирров келиб, ишни бошлашгану таш-

Фармон ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониға кўра, Сурхондарёнинг ақсарият маҳаллаларида ҳам диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият юрита бошлади. Ҳикоямиз Шўрчи туманидаги «Яккабоғ» маҳалла фуқаролар йиғинида шу лавозимда ишлаётган Меккам Очилдиева ҳақида.

Меккам оланнинг сўхбат бошида айтган «Одамлар ўз юртларидан, халқи-овулидан фخرланиб, ғурурланиб яшамоғи керак» деган гаги диққатимни тортиди.

— Маълумотим — ўртамахсус, болалар боғчасида ишлаганман, — деб ўзини камтарликка олган ҳолда таништирган оланнинг «фахр», «ғурур» деган тушунчаларга муносабати антика.

— Аввало, одам бошқа биров ёмон қўриб қолишдан ўзини сакратиш керак, — дейди у. — Ҳақинг кетса ҳам майли-ку, ҳурматингни йўқотма. Кишилар ўртасида ўз ҳурматини йўқотган одамнинг кўнглида фахр, ғурур деган гапларга ўрин қолмайди. Хотиржамлик ўрнини ҳаловатсизлик, қадр ўрнини шубҳа эгаллайди. Бир-бирини иззат қилишнинг йўли ягона — аҳиллик.

Сўхбатимизнинг ана шу гапдан кейинги йўналиши амалий ишлар бағнига бурилади.

Маҳалланинг аҳолиси 2475 киши. 1470 нафари

АЁЛНИНГ СЕҲРАИ ДУНЁСИ

— аёллар. Бир-бирига ёмонликни раво қўрмаган, яхшилари кўп элат. Лекин биз яхшимиз, деб ўзини овутиб юриш камлик қилар экан. Яхшилик қанча қўлай-са, шунча оз деган хижолатни ўртага қўйиб ишлаш керак экан. Меккам опа маслаҳатчи бўлиб одамларни шу эзгуликка даъват эта билди. Бир мисол. Самад Мирзаев деган йигит бор. Аёлининг исми — Саодат. Катта йўлнинг устидаги уч хонали одмигина қурилган уйлари сажадоғдай азиз биладилар. Унинг куча томонида ўн беш-йигирма хил гул ўстирилади. Унчалик катта бўлмаган томорқада турли-туман рўзғорғир ва бозорғир зироатлар. Эр-хотиннинг яна қосиблик хунаридан хабарлари бор. Фарзандларининг туриш-турму-

ши озода. Шу ҳолат туртки бўлиб, Меккам опа маҳаллада «Намунали хонадон» номи билан кўрик-танлов ўтказгандики, маҳалла кўчаларининг четлари гулзорларга айланиб кетди. Чикинди тўқини тўхтатиб, одамлар кўчаларни сошлаб, супуриб-сидириб қўядиган бўлиб қолдилар.

Нурилло Мардаев деган ота-онасиз йигит маҳалладошларининг кимлигини уйланидан сўнг, тўйдан кейин қайтадан таниди. Тўй кuni Беҳзод деган йигит даврабошилиқ қилди. Эрчин дастурхоннинг мева-чевасини кўтарди. 20 та қайвони опа қатлама-патир торти қилди. Кимдир тасвирига туширди, яна бошқа биров қўшқ айтиб, рақсга тушди. Одамларнинг бу меҳр-му-

руватини кўриб ёш келин-кўвнинг кўзларида кўвонч миннатдорчилик ёшлари кўриди. Қалбларида «Бундан буйи беш ҳам шу бағрикенг элнинг хайрли хизматларини қилайлик» деган аҳди-паймон қарор тоғди. Меккам опа — аломат

тиб қолган. Кўвнинг кўнглига прожектор ёксанг ҳам ёришмайди. Сабаби — келин хамир қориб, нон ёполмасмиш. Яна тили бир қулоч эмиш. Уларни яраштирдик. Бу билан айтмоқчиманки, мактабдаям, уйдаям қизларга нон ёпиш, таом тайёрлаш юмушлари ўргатилса. Маҳалламизда тиббий хизмат нўқтаси, ҳаммом, талай маийий хизмат курсати нўқталарим... йўқ. Маҳаллалардаги пуллик хизмат қилувчи шахслар (отарчи артистдан тортиб сувочки ва хатто хатначилар) фаолияти назоратини маҳалланинг ўзига ташлаб қўйган маъқул. Чунки солиқчи, биринчидан, бу ишларнинг майда-чуйда сирларини ўрганишга улгурмайди. Улгурсаям, яшириши мумкин. Маҳаллада бўлса ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Муҳими, ташаббусни маҳалла ўз кўлига оласа, бу маҳалланинг обод бўлишини таъминлайди. Бу, албатта, менинг шахсий мулоҳазам.

Шундан сўнг Меккам опа ўзининг отдоши — маҳалладаги 20-мактабча тарбия даргоҳи мудираси Меккам Соатова билан иш режалари хусусида фикрлашди. Боғчада «Жажжи юлдузлар» танловини ўтказиш, ёш келин-кўвларни тиббий қўриқдан ўтказиш тартибларини яхшилаш, кўнат ўтказиш ҳақида...

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ФОТОУСКУНАЛАР КЎРГАЗМАСИ

ТОШКЕНТ (Ўза мухбири Ж. РАУПОВ).

«Шератон» меҳмонхонасида учинчи халқаро фотоускуналар кўргазмаси бўлиб ўтди. У «Фотолари», «Noritsu» (Япония) ва «Kodak» (Германия) компаниялари томонидан ташкил этилди.

Кўргазмадан кўзланган мақсад замонавий рақамли фототехника, янги мини-фотолaborаториялар ва турли ускуналарни намойиш этиш, мазкур соҳа мутахассисларини бу боралдаги энг янги дастурий махсулотлар билан таништиришди.

Advertisement for GSM services in Uzbekistan. Title: 'ЎЗБЕКИСТОНДА ЭНГ КЕНГ GSM ТАРМОҒИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ'. Includes a map of the region with city names like Toshkent, Chirchik, Yangi-Yul, etc. Text: 'UZDUNROBITA first cellular'. Website: www.uzdunrobita.uz

Advertisement for architectural services. Title: 'ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ'. Text: 'АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ'. Includes contact info for Andijon branch.

Advertisement for 'Tajriba almashtirish' (Experience exchange). Title: 'Тажриба алмасhtirish'. Text: 'Амударё туманида қишлоқ кутубхоналари фаолиятини яхшилашга бағишланган кўргазмалли семинар ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларидан келган мутахассислар тумандаги мавжуд 42 та кутубхонанинг барчасида бўлиб, ўзаро тажриба алмасhtирдилар. Ушбу тадбирда асосий эътибор камчиликлар таҳлилига қаратилди.'

Advertisement for 'AVTOTRAK' (Tractor). Title: '«AVTOTRAK»'. Text: 'ЗИЛ, ГАЗ ва бошқа автомобилларга дизель ўрнатилган давлат патентларига эга ва тегишли буюртмалар қабул қилади. МТЗ дизели ўрнатилган автомобиллар 100 км.га атиги 17-20 литр ёнилги сарфлайди.'

Advertisement for 'O'ZSANOATQURILISHBANK'. Title: 'O'ZSANOATQURILISHBANK'. Text: 'Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!'

Advertisement for 'Mix Market' office furniture. Title: 'Mix Market ОФИС МЕБЕЛИ САЛОНИ'. Text: '15 ХИЛДАН ОРТИҚ КАБИНЕТ МЕБЕЛЛАРИ 2,5м дан 7м.гача БЎЛГАН КОНФЕРЕНЦ-СТОЛЛАР... 2005 йил тўпلامидан янги намуналар!'

Қарши шахрининг 2700 йиллиги олдидан

Дунёда турфа мамлакат кўп, дийр кўп. Аммо ёши неча минг йилларни буйлаган, шоир тили билан айтганда, "тарихи минг асрлар ичра пинҳон" шахрлари гавҳар шодасидек тизилган юртлар ер юзиде жуда санокли. Узбекистонимиз ана шундай қадимий, нодир, умрибoқий шахрлар Ватанидир.

нисбатан тарихий ҳақиқатни қарор топтириш, буюк алломаларимиз хотирасини абадийлаштириш, "Авесто", "Алломиш" каби нодир маънавий меросимизни теран тадқиқ этиш борасидеги улкан ишлар ҳар қанча таҳсинга сазовордир.



ЮРТИМИЗНИНГ ҚАДИМ ДУРДОНА ШАҲРИ

Мухандислар, бинокор усталар, меъморлар шахрнинг тарихий обидаларини таъмирлаш, шунингдек, кенг миқёсда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлаб юбордилар.

таникли қадимшунослар томонидан ўрганилган. Лекин у ерда жиддийроқ қазимша ишлари олоб борилмаган ва шу тариха вабо илк марказининг вужудга келиш даври ноаниқлигича қолаверган.

хали Ерқўрғон вайрон этилмадан анча илгари муҳим стратегик аҳамиятга эга мустаҳкам қалъа бунёд этилган. Ана шу истехкомдан воҳанинг барча ҳудудларини суғорадиган каналларга сув тақсимланган.

унинг ёши икки ярим минг йилдан кам эмаслиги аниқланди. Александр Македонский юришидан кейинги даврда шахрнинг иккинчи — ташқи девори қурилган.

лоллари буюмлар ясашда фойдаланган. Кулоллар томонидан эски шахр деворлари қолдиқларидан хомашё сифатида фойдаланиш холлари Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида ҳам учраб туради.

Юртимиз шахрларининг энг қадимийларидан бири — Қарши олис тарих давомида ўз жойини ўч маротаба ўзгартирган, — дейди Р.Сулаймонов. — Бундай "қучманчи" шахрларга мисоллар қадимий Шарқда кўп топилган.

Истиқлол шарофати туйғайли халқимиз ўз тарихини том маънода ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш имкониятини кўлга киритганидан кейин Ватанимиз ва миллий маданиятимиз қадимий тарихининг яширин ҳамда унутилган саҳифаларини ёритиш учун қулай шарт-шароит юзага келди.

Оқибатда шахр учинчи марта — бу гал ҳозирги Қаршининг эски шахр қисми жойлашган ерга кўчди. Мамаклатимизнинг Қашқадарё вилояти маркази — юртимизнинг йирик шахрларидан бири ҳисобланувчи Қарши, ёзма манбаларга қараганда, XIV асрда Келакан саройининг негизига ташкил топган.

Энг муҳими, 1999 йилнинг кузиде амалга оширилган қазимшалар чоғида Ерқўрғоннинг эраимиздан олдинги VIII-VII асрларда ясалган сopol буюмлар топишдан маданий қатламда қилинган уч метрдан зиёд маҳобатли девор қолдиқлари аниқланди.

— Қазимшалар чоғида топилган осори-атиқалардан энг муҳимлари қайсылари деб ҳисоблайсиз? — Ерқўрғонда йиғиридан ортик жойда ўтказилган қазимшалар давомида шахрдаги сарой, ички муҳофа девори билан туташиб кетган арк, ибодатхона, ички ва ташқи девор ораллигидеги майдонда жойлашган зардуштийлар даҳмаси, мақбара каби қўпбаландиш осори-атиқалар топишдан маданий қатламда қилинган уч метрдан зиёд маҳобатли девор қолдиқлари аниқланди.

Бу фикрлар юртимиздаги Тошкент, Термиз, Самарқанд каби тарихий шахрларимизга ҳам тегишлидир. Шу сингари Қарши шахрнинг илк ўрни жойлашган майдон Ерқўрғон деб аталади. Узбекистон Фанлар академияси Археология институти махсус экспедицияси XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб у ерда қазимша ишларини олиб бормоқда.

Ерқўрғоннинг фан учун ўзига хос қиммати шундаки, VI асрдаёқ ташкил кетилган бу шахр археологик қўриқхона каби сақланиб қолган, унинг қолдиқларига XX асрда қадар деярли зиён етмаган.

— Қарши шахрнинг ёшини аниқлаш борасидеги изланишлар натижаси ҳақида нима дея оласиз? — Қаршининг энг қадимий ўрни — Ерқўрғонда йиғирма йилдан ортик вақт мобайнида қазимшалар олиб борилди.

Шуни тахмин қилиш мумкин, кулоллар маҳалласи ичкари-сидан топишдан бу девор дастлаб даврларда Ерқўрғоннинг истехкоми вазифини ўтаган.

— Қазимшалар чоғида топилган осори-атиқалардан энг муҳимлари қайсылари деб ҳисоблайсиз? — Ерқўрғонда йиғиридан ортик жойда ўтказилган қазимшалар давомида шахрдаги сарой, ички муҳофа девори билан туташиб кетган арк, ибодатхона, ички ва ташқи девор ораллигидеги майдонда жойлашган зардуштийлар даҳмаси, мақбара каби қўпбаландиш осори-атиқалар топишдан маданий қатламда қилинган уч метрдан зиёд маҳобатли девор қолдиқлари аниқланди.

Амрикан Экспресс чекларини истаганингизча узoқ муддат сақлашингиз мумкин, чунки уларнинг амал қилиш муддати чекланмаган.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чекларини Миллий банкининг яқин ўртада жойлашган муассасасида харид қилишингиз мумкин.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Амрикан Экспресс чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.

Спорт Бокс

АНДИЖОН шахрида катталар ўртасида бокс бўйича Узбекистон чемпионати бошланди.

Бир ҳафта давом этадиган мазкур мусобақада барча вилоятлардан келган икки юз нафарга яқин «чарм қўлқоп» усталари голиблик учун баҳс юритмоқдалар.

Чим устида хоккей Фаргона шахрида чим устида хоккей бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида Узбекистон биринчилиги яқунлади.

Улоқ-кўпкари Федерацияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мазкур мусобақада унта жамоа иштирок этди.

Улоқ-кўпкари Федерацияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мазкур мусобақада унта жамоа иштирок этди.

Улоқ-кўпкари Федерацияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мазкур мусобақада унта жамоа иштирок этди.

Улоқ-кўпкари Федерацияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мазкур мусобақада унта жамоа иштирок этди.

Улоқ-кўпкари Федерацияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мазкур мусобақада унта жамоа иштирок этди.

Улоқ-кўпкари Федерацияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мазкур мусобақада унта жамоа иштирок этди.

Advertisement for American Express credit cards, featuring the text 'Сизнинг имзоингиз — хар қандай сейфдан афзал!' and 'American Express чеклари — ўзингизнинг "нақд пулларингиз"дир.'

Advertisement for Korhona automatic gas equipment, stating 'Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр ва кўмир билан ишлайдиган сув иситиб берадиган қозонлар'.

Advertisement for Uzbekistan Post, featuring 'Узбекистон почтаси' and 'Очиқ акциядорлик жамиятининг барча почта алоқа бўлимида "Янги йил билан" тибрик отриткалари ва почта карточкалари мавжуд бўлиб, уларни хоҳлаган миқдорда почта алоқа бўлимида орқали нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан харид қилишингиз мумкин.'

Advertisement for various services including 'Ўзтеледиоккомпанияси жамоаси "Ўзбекистон" радиоканалининг катта муҳаррири, шоир ва таржимон Маъруф ЖАЛИЛнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукур ҳамдарлик билдиради.'

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, including contact information for the editorial board and subscription details.

Advertisement for 'Улоқ-кўпкари' (Uloq-Kopkari) horse sports, featuring 'Улоқ-кўпкари Федерацияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мазкур мусобақада унта жамоа иштирок этди.'